



Ислом Нури

ﷺ) «ﷺ ﷺ ﷺ ﷺ».

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Энг яхши дуо – Арафа куни қилинган дуодир. Мен ва мандан аввалги пайғамбарлар айтган сўзларнинг энг яхшиси: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр»дир. (Маъноси: Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ. У Ёлғиз, шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уники ва У барча нарсага Қодирдир) (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Арафа куни Аллоҳ наздида энг улуғ кунлардан. У куни Аллоҳ таоло ҳаж қилаётган бандаларини фаришталарга мақтайди, у кунда кўплаб бандаларини дўзахдан озод қилади, у куннинг рўзаси йилнинг ўтган ва қолган қисмидаги гуноҳларга каффорат бўлади, у кунда қилинган дуо энг афзал дуо саналади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Арафа кунининг фазли, у энг афзал кунлардан экани;
2. У кундаги рўзанинги фазли, у йилнинг ўтган ва қолган қисмидаги гуноҳларга каффорат бўлиши;
3. У кундаги дуо энг яхши дуо экани.